





1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

26 ноябрь, шанба, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 234 (982)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

25 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Миср Араб Республикасининг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган таълим вазири Хусайн Комил Баҳоуддинни қабул қилди.

Ислам Каримов суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Миср Араб Республикаси ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг, айниқса, маънавий ва маърифий соҳалардаги ҳамкорликнинг кенгайиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Президентимиз жумладан, Тошкентда иш бошлаган «Миср фан ва таълим маркази» ҳақида тўхталиб, у мамлакатларимиз ўртасида нафақат маданий-маърифий, балки бошқа соҳалардаги алоқаларнинг ҳам мустаҳкам-



СУРАТДА: қабул пайти.

А. ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

ланишига хизмат қилади, деди.

Хусайн Комил Баҳоуддин самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистонга ташрифи нҳоятда самарали бўлганини айтди. У икки дўст халқнинг

илму маърифат борасидаги алоқалари узоқ тарихга эгаллиги ҳақида гапирар экан, келгусида бу муносабатларнинг янада ривож топишига умид билдирди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси таш-

қи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул чоғида Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили Абдулгани Муҳаммад Абдулгани ҳозир бўлди.

(ЎЗА).

ЭСКИ ШАҲАРНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

25 ноябрь куни Вазирлар Маҳкамасида Тошкентнинг эски шаҳар қисmini қайтадан тиклаш ва қуришнинг бо-ришини мувофиқлаштириш ҳамда на-зорат қилиш комиссиясининг мажли-си бўлди. Мажлисни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, шу комиссия раиси И. Жўрабеков бош-қарди.

Эски ва яроқсиз уйлар ўрнида икки ва уч қаватли уйлар, ижтимоий ёрдам-чи тармоқлар иншоотлари, гузарлар --

маҳалла марказлари-қуриш, кўчаларни кенгайтириш, зарур муҳандислик тар-моқларини ўтказиш масалалари муҳо-кама қилинди. Бўлажак ишларнинг тур-лари бўйича бош пудратчилар, бу иш-ларни пул билан таъминлаш манбалари аниқланди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Б. Ҳа-мидов, Р. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳо-кимси К. Тўлаганов иштирок этди.

(ЎЗА).

ТОШКЕНТДА «МИСР ФАН ВА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ» ОЧИЛДИ

25 ноябрь куни Тошкент-да «Миср фан ва таълим маркази»нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мама-латимизда меҳмон бўлиб турган Миср Араб Респу-бликаси таълим вазири, доктор Хусайн Комил Баҳоуд-дин маросимни очар экан, халқларимиз қадимдан бир-бири билан илм ва мада-нийят борасида ҳамкорлик қилиб келаятигани, кўнун ўз-бек тупроғида ўнлаб дунёга машҳур олим ва файласуф етишиб чиққанини мамну-нийт билан таъкидлади. Мазкур марказ икки халқ ўртасида фан ва маданият алоқаларини янги босқичга кўтаришда хайрли ишларни амалга ошириши, дея умид билдирди.

«Миср фан ва таълим маркази» очилиш мароси-мида Ўзбекистон олий таълим вазири О. Салимов ва ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Б. С. ПАКНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАХРИЙ ЕРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали ижодий меҳнати, адабиётни ри-вожлантиришдаги хизматлари ва жамоат ҳаётидаги фаол иштироки учун шоир Борис Сенусевич Пак Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ерлиги билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 25 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Б. С. ПАКНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАХРИЙ ЕРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали ижодий меҳнати, адабиётни ри-вожлантиришдаги хизматлари ва жамоат ҳаётидаги фаол иштироки учун шоир Борис Сенусевич Пак Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ерлиги билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 25 ноябрь.

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

Бир неча йилларки, Республика Прокура-тураси ташаббуси билан ташкил этилган идо-раларро мувофиқлаштирувчи кенгаш фаол-лук кўрсатмоқда. У мамлакатимизнинг иқ-тисодий ҳамда маънавий баҳалари билан до-лиқ меъёрий ҳужжатлар, Президент фармон-лари бажарилишини таъминлашга қаратил-гандир. Республика Прокуратураси ходимла-рининг қатор масалалар юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, тур-ли вазирликлар ва идоралар билан ҳамкор-ликда нуқсон ва камчиликларни бартараф қи-лишда фаол иштирок этаётгани диққатга са-зovorдир.

23 ноябрь куни Республика Прокуратура-сида бўлиб ўтган кенгаш мажлисида «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги» республика қонунини ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини такомиллаштириш, пул-кредит му-носабатларини барқарорлаштириш чора-тад-бирлари тўғрисидаги» қарорининг бажарили-ши ва бу борала йўл қўйилган камчили-

ларнинг олдини олиш, банк ва прокуратура таш-килотларининг назорат фаолиятини янада куч-айтиришда доир вазифалар муҳокама этилди. Тадбирда Республика Олий Суди, Олий ҳўжалик суди, Адлия, Молия ва Ички ишлар вазирли-ги, Давлат солиқ қўмитаси ва Миллий хавфсизлик хизмати раҳбарлари, шунингдек, Республика банклари бошқарувининг раислари, Қорақалпоғи-стон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ша-ҳар банк тизими раҳбарлари, Қорақалпоғи-стон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар про-курорлари иштирок этди. Мажлисни Респу-блика Бош прокурори Б. Мустафоев бошқарди.

Республикаимизда бозор иқтисодиётига ўтиш-да банк тизими зиммасида катта масъулият юк-ланиб, мавжуд турли шаклдаги банклардан ўшбу муносабатларга мос равишда ўз фаолиятини та-комиллаштириш ҳамда қўнунчиликка қатъий амал қилиш талаб этилади. Айниқса, миллий валютаси -- сўм қўватини оширишда банклар фаолияти салмоқли ўрин тутди. Республика Про-куратураси умумий назорат бошқармасининг

бошлиғи, ҳайъат аъзоси В. Қосимов ҳамда Респу-блика Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов ахборотларида банклар томонидан пул муомаласи, кредит ва ташкилотларнинг ўзаро тўловлари, пул обо-ротли, инкассация ва эмиссия тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар талаби етарли даражада бажарилмаётгани таъкидланди. Пул-кредит операцияларини бажариш қондаларини бузиш ҳолатлари учраб турибди. Қўнун-ларнинг аниқ бажарилиши устидан олиб борилаётган назоратни етарли даражада деб бўлмади. Айрим хо-димларнинг ўзларига ишониб топширилган масъу-л вазифани суистеъмол қилаётгани ҳам аниқланган. Иш-та масъулиятсизлик билан ёндашиш, амалдаги қўнун-қондаларни бузган ҳолда давлат ҳамда жамоа мулкига тажовуз қилишдек ҳуқуқ ва қўнунбузарликларга йўл қўйилмоқда. Мажлисида ўшбу ҳолатлар қаттиқ танқид қилиниб, уларга нисбатан муроаеиз бўлиш ҳамда қўнун устуворлигини тўла таъминлаш доимлиги қайд этилди. Қўрилган масалалар бўйича мувофиқлашти-рувчи кенгаш мажлиси тавсиялари қабул қилинди.

Мажлисида республика Бош вазирининг ўринбоса-ри Б. Ҳамидов нутқ сўзлади.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИГА

Сизларни ва республикаимизнинг барча ҳуқуқшуносла-рини Адлия вазирлиги ва унинг таркибий тузилмалари ташкил этилганлигининг 70 йиллик байрами билан чин дилдан муборакбод этаман.

Мамлакатимизда амалдаги суд ҳокимиятининг барпо этилиши адлия тизими ходимлари зиммасига янада му-ҳим ва гоёт масъулиятли вазифаларни юкламоқда. Бу соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳозирдаёқ ўз самара-сини бераётганлиги эътиборга сазовордир.

Сизларни байрамнгиз билан самимий табриклар экан-ман, ҳуқуқий демократик давлатимиз биносини бунёд этиш, ҳар томонлама мукаммал қўнунларни яратиш,

уларнинг амалга оширилишини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий тафак-кур ва маданиятни, адолатли суд тизимини барқарор қилиш борасида куч-ғайратларингизни аямайсизлар, деган умидман.

Сизларга ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида, хал-қимизнинг тинч-осойишта, фаровон ҳаёти, инсон ҳу-қуқларининг таъминланиши соҳасида, амалга ошири-лаётган муҳим ишларингизда ютуқлар, сиҳат-саломат-лик ва оилавий бахт-саодат тилайман.

Ислам КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

АДЛИЯ ВА СУД ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Адлия ва суд органларидаги кўп йиллик самарали ишла-ри, қўнунчиликни мустаҳкамлашга, ҳуқуқни тарғиб қилиш-га қўшган ҳиссаси ҳамда жамоат ҳаётида фаол қатнаш-ганликлари учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берил-син:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН ЮРИСТ»

ВАСИЕВ Илҳомжон -- Фарғона шаҳар судининг раиси
ДОРОШЕНКО Наталья Ивановна -- Ўзбекистон Рес-публикаси Адлия вазирлиги халқаро-ҳуқуқий бошқармаси бошлигининг ўринбосари

КАПУСТЯНСКАЯ Нинель Соломоновна -- Тошкент ша-ҳар 1-давлат нотариал идораси нотариуси

МАДАМИНОВА Саботхон -- Наманган вилояти, Ҳақ-қулбод шаҳар ҳокимлиги фуқаролик ҳолати далолатнома-ларини ёзиш бўлимининг мудираси

МАРДИЕВ Алишер Мардиевич -- Ўзбекистон Респу-бликаси Адлия вазирлиги

МАХАМАТДИНОВА Турдигуль -- Нукус шаҳар 1-давлат нотариал идораси катта нотариуси

МУРОДОВА Дилбар Тўхтамисиевна -- Қашқадарё вило-яти Китоб тумани судининг раиси

ОЛИМЖОНОВ Баҳодир Ғўломович -- Адлия ва суд органлари ходимларининг малакасини ошириш институ-тининг директори

ОТАХУЖАЕВ Фозил Мақсудович -- Тошкент давлат юри-дик институти «Фуқаролик ҳуқуқи» кафедрасининг доцен-ти

РИХСЕВ Толиб -- Тошкент вилояти судининг судьяси

ШАРАПОВ Акрам -- Бухоро вилояти судининг судьяси

ШОАЗИЗОВ Шоақсар -- Ўзбекистон Республикаси Ад-лия вазирлиги бўлимининг бошлиғи

ЭРТАШЕВ Вели Ҳамидович -- Самарқанд вилояти Тойлоқ туман давлат нотариал идораси нотариуси

ЯКУБОВА Гулҳеҳра -- Хоразм вилояти Янгиарик туман судининг раиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»

ПИРМУҲАМЕДОВ Ҳакимжон Эгамбердиевич -- Ўзбе-кистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги «Адолат» нашриётининг директори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАХРИЙ ЕРЛИГИ

АБДУСАЛОМОВ Мирзаулдўбек Элчиевич -- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг биринчи ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика ер фондидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ер майдон-ларидан олинладиган даромад ўсишидан аҳолининг манфаатдорлигини кучайти-риш мақсадли:

1. Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлик-ларига фуқароларнинг мерос қилиб қол-дириш шарти билан умрбод эгалик қи-лишлари учун яқка тартибда уй-жой қи-лишда 0,04 гектаргача, шахсий ёрдам-чи ҳўжаликни юритишда 0,06 гектаргача ер майдонини кимошли савдоси асосида сотишга рухсат берилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикасида халқ ҳўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонлари, шунингдек зарар қўриб иш-лаётган ва паст рентабелли қишлоқ ҳў-жалик корхоналарининг ерлари, тажри-ба тариқасида, фуқароларнинг мерос қи-либ қолдириш шарти билан умрбод эга-лик қилишлари учун кимошли савдоси ва танлов асосида сотилсин. Бунда ажра-тилладиган ер майдонлари сугорилмайдиган ерларда 5 гектардан ва сугорилмайдиган ерларда 15 гектардан ошмаслиги зарур.

3. Назоратни амалга ошириш ва юқо-рида кўрсатиб ўтилган масалалар бўйича тақсифлар таъриш ҳамда уларни туман ҳокимликларининг қўриб қиқинишга ки-ритиш учун мазкур ҳокимликлар ҳўзури-да давлат мулки қўмитаси, ер тизми, сув ҳўжалиги, молия ва солиқ органлари ва-килларидан, шунингдек жамоатчилик ва-килларидан иборат махсус комиссиялар тузилсин.

4. Банкларга республика фуқаролари-нинг кимошли савдоси асосида ер майдонлари сотиб олишлари учун уларга беш йилда қайтариш шарти билан зарур кредит бериш тавсия қилинсин.

5. Белгилаб қўйилсинки: Мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ҳўқуқини беради-ган ордер олингандан кейин икки йил давомида фойдаланилмаган ер майдон-лари илгариги эгалари тўлаган қиймат қайтариб беришга ҳўлдан олиб қўйилади.

6. Ўзбекистон Республикасининг Ва-зирлар Маҳкамаси: Бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни бажаришни таъминлаш юзасидан қарор қабул қилсин; Бир ой муддатда Ўзбекистон Респу-бликасининг амалдаги қўнун ҳўжатла-рига тегишли ўзгаришлар киритиш тўғ-рисида тақсифлар тайёрласин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 24 ноябрь.

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС ПАРТИЯ

Абдулҳафиз Жалолов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Марказий Кенгаши биринчи котиби



Ўз давлат мустақиллигининг уч йиллигини ақидани нишонлаган мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида яна бир муҳим давр бошланди. Бир неча ҳафтадан кейин Ўзбекистон давлат ҳокимияти барча даражадаги вакиллик идораларига умумхалқ сайловлари бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Конституцияси ва қонуни асосида биринчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенашлари ўтажак сайловлар натижасида республикамизда янги давлат ҳокимияти идораларининг яхлит тизимини вужудга келтириш ниятида бўлиб ўтади.

1991 йил декабридаги Президент сайлови мамлакатимиз тарихида сиёсий партиялар иштирокчида ўтган дастлабки сайловлар бўлган эди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Раиси И. А. Каримов мукобидлик асосидаги курашда мутлақ кўпчилик овозини олиб, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти этиб сайланганлиги ҳаммага маълум.

Эндиги сайловларда илк бор кўппартиявийлик асосида барча даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик идораларининг депутатлари сайланадиган.

Биз бу сайловларга Конституция ва қонуларда белгиланган ҳуқуқларимиз асосида иштирок этишга астойдил бел боғладик ҳамда бунинг учун зарур бўлган барча шартларни бажардик.

Сайловларнинг осон кечмаслигини, уларда биз билан бирга иштирок этаётган томонларнинг куч-қувватини яхши тасаввур этамиз. Аммо, бизнинг ҳам имкониятларимиз оз эмас. Партияимизнинг ақидани бўлиб ўтган навбатдан ташқари иккинчи курултойи ташкилотимиз, унинг куч-қувватининг ўзига ҳос кўриги бўлиб.

Ҳозирги кунга келиб, мамлакатимизда Ўзбекистон ХДП ташкилотлари бўлмаган бирорта ҳам вилоят, туман ё шаҳар йўқ. Саноат, транспорт, алоқа корхоналари, қурилиш муассасалари, жамоа ҳўжалари ва маҳаллаларда 12,5 мингта бошланғич ташкилотларимиз фаолият кўрсатмоқда. Улар қарийб 380 нафар ХДП аъзоларини бирлаштирадилар.

Сафдошларимиз орасида хизматчилар, зиёлилар (46 фоиз), деҳқонлар (26 фоиз), ишчилар (28 фоиз), жуамалдан, тадбиркорлар, фахрийлар, талабалар, ҳуллас, мамлакатимиз аҳолисининг барча қатламлари, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи миллатларнинг вакиллари бор.

Партияимиз аъзолари халқ ҳўжалигининг турли-туман жаҳазларига, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тузилмаларига, меҳнат жамомаларида, жамоат ташкилотларига мамлакатимизда амалга ошириладиган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий ислохотларни рўбга чиқариш бор

Адлия вазирлиги ташкил этилганлигига 70 йил тўлди

Халқларнинг фаровонлиги ва раънақи, умуминсоний қадриятларнинг қарор топиши, фуқаролар эркинлиги ҳамда ҳаёфсизлигининг таъминланиши, демократия принципларининг амалга оширилиши билан ҳамбарчас боғлиқдир. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва халқ ҳокимияти гоёларининг тантанасига эришиш ҳар бир жамиятнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Уларни бажариш фақатгина ҳуқуқий давлат куриш билан таъминланиши мумкин.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири давлат ҳокимиятини 3 та мустақил тармоққа, яъни қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятига бўлиниши бўлса, иккинчиси, ушбу давлатда қонун устуворлигининг таъминланишидир. Бу улусвор масалаларни амалга оширишда ҳар бир ривожланган ва қонун устувор бўлган давлатлардаги каби Ўзбекистон Адлия вазирлигининг ҳам ўз ҳиссаси бўлмоғи лозим. Адлия -- адолат демакдир, ёки бошқача қилиб айтганда, шу номдаги вазирлик давлатнинг ижтимоий адолат, халқ ҳокимияти сиёсатини амалга оширувчи ташкилотидир.

Бугун Ўзбекистонда адлия органлари ўз фаолиятини бошлаганига 70 йил тўлди. Ушбу шонли санани мустақил давлатимизнинг пойтахти, барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон республикасида соҳамиз фахрийлари, ҳозирги кунда самарали меҳнат қиладиган ходимларимиз ҳамда келажакка умид ва инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат куриш орзуниятлари билан яшаётган халқимиз қувонч ва ифтихор билан қутиб олмақдалар. Адлия органларининг 70 йиллик тўйини нишонлаш салкам бир ярим асрлик мустақиллик замиридан озод бўлган республикамизда иқтисодий ислохотнинг янги босқичига ўтаётган ва маънавий, моддий ҳаётимизда ижобий ўзгаришлар юз бераётган бир вақтга тўғри келди.

Иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар давлат тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Давлат органларининг янги тизими юзага келмоқда. Ўз вазифасини ўтаб бўлган давлат органлари тугатилиб, ҳозирги замон ҳамда ҳуқуқий давлат талабига жавоб берадиган янги тизимлар пайдо бўлмоқда. Ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар ҳам ўз ўнмишларини, фаолиятларини қайта ўрганмоқдалар. Тарихда юз берган ижобий ва салбий воқеаларни таҳлил қилиб, ўзларининг фаолиятларини такомиллаштириш устида иш олиб бормоқдалар. Жумладан, республикамиз адлия органлари ҳам бу соҳада ҳуқуқ таҳлилларни амалга ошириб, ўзининг ривожланиш йўлларини белгилаётти.

Шу маънода Ўзбекистон адлия органларининг тарихига ҳам бир назар ташламоқчимиз. Миллий давлат чегараланишига Ватанимиз ҳудудида мавжуд бўлган Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари ҳамда Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг давлат тизимида ҳам у ёки бу кўринишда адлия органлари мавжуд эди. Адлия вазирлигининг ўтмишдоши -- Ўзбекистон ССР Юстиция халқ Комиссарлиги Ўзбекистон ССР Революцион Комитетининг 1924 йил 26 ноябрдаги қарори

Бакиров, Ф. Муҳиддинов, Б. Самарқужаев, Х. Самадова, М. Махбубов

Бир пиёпа чой устида

ШАНБА
САҲИФАСИ

ТАФАККУР ГУЛШАНИ

Одам табиятан қизиқ яратилган -- бойлигини йўқотса хафа бўлади уми эса кетаётганига парво қилмайди.

Абдул ФАРОЖ.

Вазият қанчалик қийин ва оғир бўлса, қатъийлик, фаолият, журъат шунча кўп зарур, ҳавфсизлик эса фақат зарар келтиради. Л. ТОЛСТОЙ.

Марҳамат, яна савол борми?

НАХОТКИ «ХҲКИЗ» БҮЛГАН?!

Бир ҳамқишлоғим билан баҳслашиб қолдик. У мени уриб енгиди, Амударёнинг олдинги номи «ХҲкиз» бўлган деб. «Йўқ, Жайхун бўлган», -- десам, ҳам ўзиникидан қайтмайди... Шу ҳақда, ва умуман ана шу дарё ҳуёсида маълумот берсангиз.

Асад Расулов,
Наманган вилояти.

Араблар Марказий Осиёдаги бу энг катта дарёни «Жайхун» дейишарди. Аммо бундан олдин уни ерлик халқлар «Укиз», «Омил» деб аташган. Юнон ва римликлар эса уни «Оксос», «Окус» дея ёзишган.

Амударёнинг узунлиги 2540 километр бўлиб, Афғонистонда -- Ҳиндикуш тоғларининг шимолий ён бағридан бошланади. У Помир дарёси билан қўшилгандан сўнг Панж деб аталади. Унга Гунт, Бартанг, Язгулом, Ванг, Қизилсув қилиб қўшилади. Ниҳоят Вахш дарё ҳам қўшилганидан сўнг, Амударё номини олади. Бу қисмда унга Қофирниҳон, Сурхондарё қўшилади (Сурхондарё Амударёнинг энг сўнгги ирмоғи бўлиб, шу ердан то Оролгача, қарийиб 1200 километр, унга битта ҳам ирмоқ қўшилмайди).

Амударёнинг кема қатнайдиغان қисми узунлиги 1400 километрдан ошади. Бу дарё орқали йилга минглаб тонна нефть маҳсулотлари, саноат моллари, минерал-ўғит ва бошқалар ташилади. Дарёдан сазан, лаққа, леш каби балиқлар кўп овланади.

Лўла, болин...

Баъзи қишлоқларда ёстиқни «лўла» деб аташларини эшитиб, ҳайрон қолдик...

Ҳамро Илёсов,
Тўртқул.

Бунинг ҳеч ҳайрон қоладиган жойи йўқ, ёстиқнинг узун, думалоқ қилини кўп жойларда нафақат лўла, балки болиш, болин ҳам дейишади.

ЙҲҲ, ЗЕБУННИСО БЕГИМ ЗЕБУННИСО ЭМАС

Зебуннисо деган шоирамиз янаб ўтган. Аммо бизда шундай номли яна бир шоира, аниқроғи, Зебуннисо бегим ҳам бор дейишади. Қизиқ, «бегим» қушилка, Зебуннисо иккита, деган хулосага келиш керакмикин?

Алҳам Умаров,
Шоҳмардон.

Зебуннисо бегим билан Зебуннисо бошқа-бошқа (Лекин иккаласи ҳам шоира бўлган). Зебуннисо бегим Дехлида туғилиб ўсган (1639-1702), Зебуннисо эса (XIX аср) -- Қўқонда. Зебуннисо бегим Бобурийлар авлодидан -- Аврангзебнинг қизи. У форс ва араб тилларида ижод қилган. Бизгача унинг 8 минг мисралдан иборат девони, қатор қасидаю мухаммаслари етиб келган. Шоиранинг ғазаллари халқимизнинг сеvimли қўшиқларига айланган.

Келинг, тилимизни қайраб олайлик

КАРНАЙЧИДАН
ҚУТУЛАМАН
ДЕСАНГ, ОЛДИГА
БОРИБ АНОР Е

Карнайчи қўлогинни батанг келтириб, тинчлигини бузиб, тоқатининг тоқ қилаверса, унинг олдига бориб анор есанг, оғзининг сулағи оқиб, карнайчин пўфлай олмайд, дейилмоқчи. «Карнайчидан онанг бўлса, қўлогинга пахта тик». Бу мақоллар билан: «У ёки бу қилди» (масалан: эзма-чурқилиги, шилқимлиги, ҳали уни, ҳали буни сураб келавериши ва ҳ. к. билан

ҚОШИК БИЛАН
ОШ БЕРИБ, СОПИ
БИЛАН КУЗ
ЧИҚАЗМА

Вариантлари: «Бошида -- неъмат, кетидан -- миннат»; «Отингни берма, бергандан кейин: «Минди» дема!» Бу мақоллар билан: Бировга қилган яхшилигининг миннат қилиб, кези келганда «юзига солиб юрма!» дейилмоқчи.

Фаргона вилоят ҳокимлиги республика Конституциясининг икки йиллигига бағишлаб шаҳар ва туман қурали танловини эълон қилди. Унинг шартларига биноан шаҳар ва қишлоқ гузарлари ободонлаштирилади, миллий хунармандчилик вакиллари, бадий ҳаваскорлик жамоаларининг қуриқлари ташкил қилинади.

Тошкентда биринчи марта таъкидлаб бўйча Ўзбекистон Республикаси кубоги учун муҳокама бўлиб ўтди. Голландия элчилиги соҳиблари ва медаллари Корей Республикасининг Ўзбекистондаги факультетлари ва мукот элчиси Се Ген И таъсис этди.

Унда мамлакатимиз вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон терма қомандалари ва Ўзбекистон пойтахтининг урта қомандалари қўшни Тошкент ва Қўрғизистон вакиллари ҳам маҳоратларини намойиш этди.

ЖУМАГАЧА
ШАНБАДАН

Бухоро вилоятида сут маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасига замонавий технологияларни жорий этиш бўйича халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Халқаро тадбирда Швейцариянинг «Тетра пак», «Тетра лавал», АҚШнинг «Прайс уотерхаус», Туркиянинг «Яшар диш» каби бир қанча хорижий фирмалари ҳамда Марказий Осиё ва Америка тадбиркорлари жамғармаси вакиллари иштирок этди.

Республика Вазирлар Маҳкамаси «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармасининг давлат йили билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Мазкур қарорда олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларининг ўқув режалари, дастурлари ва услубий қўлланмаларига экология курсини, мактабларнинг ўқув дастурига эса экологик тарбия дарсларини киритиш топширилди.

Жаҳон банки ташаббуси билан Тошкентда ўтказилган «маҳсулот ва хизматни қайта қилиш тартиби» маърузидаги митингнинг семинари ўз ишчи якунида бўлди.

Ушбу тадбирда Ўзбекистон республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, Молия, Қишлоқ ҳўжалиги, Меҳнат ҳамда бошқа тегишли вазирликлар, республика Марказий банки вакиллари, Марказий Осиё минтақасидаги давлатларнинг савдо, саноат, биржа, банк тизимига алоқдор ташкилотлар мутахассислари иштирок этди.


Экспресс интервью

1. Ўтган ҳафта Сизнинг ва жамоангизнинг ҳаётида қандай из қолдириш?

2. Келаси ҳафтадан нималарни кутаясиз?


Орхон Махмудов, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Педиатрия илмий-тадқиқот институтининг директори:

1. Ўтган ҳафта мен учун ҳам, жамоамиз учун ҳам хайрли бўлди. Институтимизнинг уч нафар ходими бугунги энг долзарб мавзу -- ошқозон, ичак, жигар касалликларини самарали усуллар билан даволаш бўйича фан номзодлиги диссертациясини химоя қилди. Сиз билан ушбу мавзуда ҳам ошқозон, ичак, жигар касалликларини даволаш бўйича жамғармада хизмат кўрсатган фан арбоби, Педиатрия илмий-тадқиқот институтининг директори:



2. Жамоамиз илмий ходимлари, профессор ўқитувчилари, илмий кенгаши аъзолари келгуси ҳафтада муҳим бир анжуманда иштирок этишга тайёргарлик кўришмоқда. Бу 30 ноябрь -- 2 декабрь кунлари «Қишлоқлар уйида» ўтказилган илмий-амалий анжумандир. Унда Марказий Осиё давлатларидан, қардош Озарбойжондан шунингдек, халқаро ЮНЕСКО ташкилотидан вакиллар иштирок этади.

Фарзандлар, набиралар, ёри дустлар даврасида шод хушроқлик билан ўтаётган ҳар бир кунимиз биз учун хайрли.



Фани РАФИКОВ, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси бош директори:

1. Ўтган ҳафта менимизнинг ҳаёти, балки авиациянинг тарихида муҳим бир воқеа бўлиб қолди. Давлатимизнинг авиациясидаги тарихий воқеа бўлиб қолди. Давлатимизнинг авиациясидаги тарихий воқеа бўлиб қолди. Давлатимизнинг авиациясидаги тарихий воқеа бўлиб қолди.

ларнинг янада ривожланишига хизмат қилиш билан бирга иқтисодий соҳаларда ҳам юксак ўрин тутди. Манчестринг Ливерпуль шаҳрига жуда яқинлигини ҳисобга олган бўлса ҳам, бу халқораликнинг киммати янада ойдинлашди. Негаки, жаҳонда энг йирик пахтачилик бирхалтадан бири айнан у ерда жойлашган. Бу эса бизнинг республикамиз учун муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.



2. Ҳозир биз дунёнинг яна бир қадимий ва улкан шаҳри Афина билан борди-келдиги йўлга қўйиш устида иш олиб бораёмиш. Гарчад, ҳозир фақатгина махсус рейслар орқали борди-кеди қилинаётган бўлса, янароғи бориб авиациянинг флотининг бу мезони кенгайтириш бўлмоқчи тусида. Қолаверса, франциялик ҳамкорларимиз билан олиб бораётган кенг миқёсдаги қурилиш ишларининг ҳадафлашганида ҳам келатган ҳафта муҳим аҳамият касб этади, деб уйлайман.

Ўзингизни биласизми?

ҲУРМАТ ҚИЛИНГ, ИЗЗАТ ТОПАСИЗ

Ўқимтойликнинг Дейл Карнеги таклиф этган олтинчи -- сўнги шарт одамлар меҳрини қандай қилиб тез қозониш мумкинлигини биласизми?

ИНСОННИЙ ҳулқ-атворнинг энг муҳим бир қонуни мавжуд. Унга амал қилиб, биз деярли ҳеч қачон қулфатга учрамаймиз. Бу қонун бизга беҳисоб дўсту мислсиз бахт ато этади. Бироқ уни бузсак борми, баалою офатларга дучор бўлишимиз мумкин. Бу қонуннинг маъни шундай: сўхбатдошингизда унинг нуфузли инсон эканлиги ҳақида ишонч туғдиринг. Профессор Жон Дьюи «Инсон табиатида хос бўлган энг кучли эҳтирос -- нуфузли бўлишга интилишдир», деган эди. Профессор Уильям Жеймс эса «Инсонга хос энг ўткир қисмат -- муносиб тақдирланиш истагидир» дея таъкидлаганди.

Файласуфлар инсоний муносабатлар меъёри ҳусудига минг йиллар давомида фикр юритиб келдилар ва бу фикрларнинг ҳаммаси

муҳассамланиб, ягона муқаддам қоида яралди. У янгиллик эмас, балки тарихнинг ўзи каби қадимийдир. Чунки, Зардуштий уни бундан ун минг йил бурун ўтпарастлар онгига сингдирган. Конфуций уни йигирма тўрт аср илгари Хитойда тарғибот-ташвиқот қилган. Даосизм асосчиси Лао-Цзи уни Хон водийсида ўз издошларига васият қилган. Маъбула уни Исо пайгамбар таваллуд топмасдан беш юз йил бурун муқаддас Ганг дарёси соҳилларида кенг тарғиб этган. Исо пайгамбар бундан ўн

тўққиз аср муқаддам эълон қилган. Бу қонуннинг мазмуни қуйидагича: «Одамлар сизга қандай муносабатда бўлишини истасангиз, аввал ўзингиз уларга шундай муносабатда бўлинг».

«Мен учратадиган ҳар бир киши қайсидаир жиҳатдан ўзини мендан устун ҳисоблайди ва шу маънода ундан ўрганишим мумкин» деган эди машҳур Эмерсон. Маълумки, ресторон ва йирик кафедраларда хизмат қилувчи официант аёлларнинг ҳаммаси ҳам хушмуомила бўлавермайди. Айтайлик, официант аёл сизга картошка

пюресини келтирди. Сиз эса қовурилган картошка буюрган эдингиз. Шундай бўлса, шайтонга хай бериб, назокат билан денг: «Безовта қилганим учун маъзур тугити, аммо мен қовурилган картошкани кўпроқ ёқтирадим». Ўз навбатида аёл ҳам «Оворагарчилиги бор эканми» дейди-да, бир зумда айтганингизни келтириб бериб, ёқимли иштаха ҳам тилайди. Чунки сиз уни қўпол хатосига қарамай ғўрматлагингиз.

Шундай қилиб, Ўқимтой бўлай десангиз, Дейл Карнеги айтган олтинчи -- сўнгги шартга амал қилинг: «Сўхбатдошингизда унинг нуфузли инсон эканлигига ишонч уйғотинг, бу ҳаракатингиз самимий чиқсин».

КИЧКИНА БОШҚОТИРМА

Менинг ўғлим ҳозир мендан уч марта ёш. Беш йил илгари у тўрт марта ёш эди. Ўғлим ҳозир неча ёшда? Мен-чи?

АНТИҚА РЕКОРДЛАР

32 ёшли ҳинд Жаҳон Чандар энг узок масофага эмалаб бораган одам ҳисобланади. У ҳинд ҳудудларидан бири -- Матанинг марҳаматига сазовор бўлиш мақсадида Алиқархадан Жаманнагача бўлган 1400 километр масофани эмалаб босиб ўтди. Бунинг учун 15 ой вақт сарфлади.

БИР ЖУФТ ЛАТИФА

-- Айбланувчи, сиз ҳақиқатан ҳам жабранувчига помидор отганингизни тан оласизми?
-- Ҳа.
-- Унда унинг бошидаги гурралар қайқанд пайдо бўлди?
-- Помидор банкда

эди-да, жаноб судья.
...
Эри уйқусираб «Моника» деган номни айтади. Эрталаб хотини Мониканинг кимлигини сўрайди. Эр жавоб беради:
-- Бу -- кучукча. Ан-

дерсенинг идорасидаги жажжигина, яхшигина кучукча.
Кечкурун уйга келган, эр, сўрайди:
-- Хўш, қандай янгилик бор?
-- Деярли йўқ. Фақат Андерсенинг кучукчаси сенга бир неча марта кўнғироқ қилди...



Соҳларини толим-толим.



ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖҲҲАБОВЕР.

• БҮЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Халқаро 33-07-48;
Қишлоқ ҳўжалиги 32-07-94;
Иқтисодиёт 32-36-65;
Маънавият 32-35-60;
Ахборот 32-29-89;
Тўғи муҳаррират 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотлар кўчаси, 19-уй.
Набатчи муҳаррир -- Р. Жуман,
Набатчи -- Ф. Сапан.